

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ АТАБЕК АБДУРАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хасанов Атабек Абдурашидович**

Ўзбекистонда парламент назорати институтини демократлаштириш  
жараёни..... 3

**Хасанов Атабек Абдирашидович**

Процесс демократизации института парламентского контроля в  
Узбекистане..... 21

**Khasanov Atabek Abdurashidovich**

Democratization process of the parliamentary control institute in  
Uzbekistan..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ АТАБЕК АБДУРАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Siyos12 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Идиоров Улуғбек Юсупович**  
сиёсий фанлар доктори

**Жўраев Қодир Асадович**  
сиёсий фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий-гуманитар факультети, 1-қават, 117-хона). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Ташанов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, ф.д. (PhD)

**А.Муминов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, с.ф.д., доцент

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатни демократлаштириш жараёнида парламент халқ вакиллиги ва қонун чиқарувчи орган сифатида фаолият юритади. Шу билан бирга, у назорат вазифаларини ҳам бажаради. Назорат функцияси — парламентнинг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидан биридир. У замонавий парламентаризм тамойилининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қўлланишига хизмат қилади. Парламент назорати — қонунларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини, давлатда қонунийликнинг мустаҳкамланиши ва давлат бошқарувининг самарадорлигини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида фаолият юритадиган парламент шакллантирилди. Ўтган давр мобайнида парламентимиз миллий хусусиятлар, орттирилган тажриба ҳамда ривожланган давлатлар амалиётига таянган ҳолда самарали натижаларга эришди. Хусусан, туб ислохотлар сифатида Олий Кенгаш ўрнига Олий Мажлис ташкил этилди ҳамда бир палатали парламентдан профессионал икки палатали парламентга ўтилди. Айни пайтда парламентнинг мустақил ҳокимият сифатидаги мақомини янада ошириш, унинг ижро ҳокимияти билан ўзаро мувозанатини таъминлаш ва парламент назоратини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида парламент назоратини кучайтириш устувор вазифалардан бири экани белгилаб берилди<sup>1</sup>. Бугунги кунда давлат ҳокимияти органларини демократлаштириш ва модернизациялашнинг янги даври бошланди. Бунда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ҳаётий тамойил давлат бошқарувининг муҳим мезони сифатида амалиётда жорий этилди. Бу борада мамлакатимизда парламент назорати институтини демократик тамойиллар ва кадриятлар асосида янада такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёдаги турлича бошқарув тизими ва шаклга эга бўлган давлатларда ҳам парламент томонидан ижро ҳокимиятини тизимли назорат қилишни демократик принцип даражасига кўтариш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида парламент назоратининг амалий ифодасини таъминлаш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда назоратнинг мазкур институти туфайли давлат ва жамият манфаатларининг уйғунлашуви билан бирга, ҳукумат иш фаолиятининг самарадорлиги ҳам ортиши устувор муаммолар сифатида кўтарилмоқда. Бунда турли давлат дастурларининг амалга оширилишидаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

изчиллик таъминланишига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Ўзбекистонда ҳам мазкур жараёндаги фаолиятни самарали ва тизимли ташкил қилиш, истиқболларини белгилаш зарурати ушбу диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб беради.

Ушбу диссертация «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2011), «Парламент назорати тўғрисида»ги (2016) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони (2017), шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бевосита мавзуга доир тадқиқотлар олиб борган Европа ва Америка олимлари Х.Марлоу, Г.Якобсон, Х.Ямамото, К.Камбелл, М.Герхардт, В.Олежек<sup>2</sup>ларнинг илмий ишларида парламент, унинг назорат институти фаолияти, ижро ҳокимияти ва парламент ўртасидаги муносабатлари кенг ёритилган. МДХ мамлакатларида сиёсий тизим ривожланиши ва парламент назорати механизмларининг айрим жиҳатларига бағишланган тадқиқотларни Е.Коврякова, А.Зеленцов, Е.Бессолицына<sup>3</sup>ларнинг илмий асарларида кузатиш мумкин.

Ўзбекистонлик олимлар – М.Раҳмонқулов, А.Саидов, Э.Ҳалилов, Р.Алимов, М.Қирғизбоев, Р.Жумаев, С.Жўраев, У.Идилов, К.Расулов, М.Гасанов, Ф.Бакаева, А.Латипов, Ш.Қудратхўжаевларнинг<sup>4</sup> илмий

<sup>2</sup> Marlowe H. How Congress Works. – Marlowe & Company, 2010. –157 p; Gary C. Jacobson. Politics of Congressional Elections 8th Edition. – Pearson, 2012. –50 p; Steven S. Smith. The American Congress 8th Edition – Cambridge University Press. 2013. –68 p; Hironori Yamamoto. Tools for parliamentary Oversight: A comparative study of 88 national parliaments. Inter-Parliamentary Union 2007. – 24 p; Cambell C.C Impeaching Clinton. Partisan strife on Capitol Hill. Lawrence: The University Press of Kansas, 2004. –114 p; Gerhardt M.J. The Federal Impeachment Process: A Constitutional and Historical Analysis. Chicago: University of Chicago Press, 2000. –111 p., Walter J. Oleszek. Congressional -Oversight: An Overview // Congressional Research Service. www.crs.gov. R41079.

<sup>3</sup> Коврякова Е.В. Парламентский контроль // Современный парламент. Под редакцией О.Н. Булакова. М.: Изд-во «Эксмо», 2005. – С. 81; Зеленцов А.Б. Контроль за деятельностью исполнительной власти в зарубежных странах. М.: РУДН, 2002. – С. 54; Е.Бессолицына. Парламентский контроль как фактор демократизации российского общества. Дисс. к.п.н. 2006. – С. 64.

<sup>4</sup>Раҳманқулов и др. Актуальные проблемы формирования и развития политико-правовых основ парламентского контроля: опыт демократических стран –Тошкент: «ИМДЗ», 2016; Саидов А. Национальные парламенты мира: энцикл. справ. –Москва, 2005. – С. 28; Ҳалилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Қонун чикарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2001; Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Тошкент: «Фан», 1996. – С. 207; Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт // Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами. –Т.: «Шарқ», 2003. – Б. 19; Идилов У. Парламент институти // «Ҳаёт ва Қонун» журналы, 2004. 2-сон.–Б.47–48; Демократлаштириш шароитида парламент институти тақомиллаштириш – жамиятни янгиланининг етакчи асоси // Илмий-амалий

асарларида сиёсий тизим ва парламентнинг ривожланиши, ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципи, парламент назоратининг ҳуқуқий асослари юзасидан илмий таҳлиллар амалга оширилган. Шу билан бирга, парламент назорати институти пайдо бўлиши, сиёсий аҳамияти нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация университет илмий-тадқиқот ишлар режасининг ИТД–5 «Парламент назорати ва унда ОАВнинг ролини ошириш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимизда парламент назорати институтини демократик тамойиллар ва кадриятлар асосида такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

парламент назоратининг сиёсий тизимда ҳокимият тармоқларининг учга бўлиниш принципи амалга оширилишидаги ўзига хос ролини асослаш;

ривожланган мамлакатларнинг парламент назоратига оид тажрибасининг Ўзбекистонда парламентни ислоҳ этишдаги аҳамиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламент шаклланиши ва ривожланиши жараёнининг парламент учун аҳамиятини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда парламент назоратининг конституциявий ва ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

Ўзбекистонда парламентнинг ҳукумат ва молиявий-иқтисодий институтлар устидан назорат қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги парламент назорати жараёнлари ва тажрибасини таҳлил этиш;

мамлакатимизда шаклланган ҳуқуқий давлатга хос бўлган парламент назорати институти миллий моделини таснифлаш ва унинг истиқболлари ҳақида хулосалар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда мустақиллик даврида парламент назорати институтининг шаклланиши, ривожланиши ва демократлашуви жараёнларини ўрганиш асносида илмий хулосалар, амалиётда қўллашга доир тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг парламент назорати ваколатлари ва амалиётининг ривожланиш жараёнлари ташкил қилади.

---

конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2010. -Б.39–49.; Расулов К., Гасанов М. Парламентский контроль в Республике Узбекистан и вопросы его совершенствования // Проект «Дальнейшее углубление демократических реформ в Узбекистане». – Тошкент: 2005. – С. 25.; Алимов Р., Комилов И., Бакаева Ф., Абдуллаева А. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси – Тошкент: «Шарқ», 2002.; Латипов А. Проблемы совершенствования парламентского контроля в Узбекистане. Дисс. к.ю.н. –Ташкент: 2002. – С. 83; Кудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – 83 Б.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламент назоратини амалга оширишнинг хусусиятлари, амалий механизмлари сифатида давлат бюджетини тасдиқлаш ва уни ижро этишни назорат қилиш, ижро этувчи ҳокимиятни шакллантириш ва унинг устидан назорат қилиш, депутатлар ва Сенат аъзоларининг парламент назоратида бевосита иштирок этиш, бу соҳадаги парламентнинг махсус вакиллари фаолиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, функционал-тизимлилик, қиёсий таҳлил, тарихий воқелик ва ижтимоий жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик каби усуллар қўлланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагиларда кўринади:

фуқароларнинг қонун лойиҳалари муҳокамаларида фаол иштирок этиши ва қонунлар ижросини доимий кузатиб боришга асосланган парламент назорати самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

парламентга тақдим этилган қонун, қарор ва давлат дастурлари ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг холислиги ва ишончилигини мустақил эксперт хулосалари асосида экспертизадан ўтказиш парламент назоратининг самарали механизми эканлиги асосланган;

парламент назорати институтининг демократик тамойиллар асосида шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари, принциплари, назарий-концептуал асослари сиёсатшунослик фанининг ўрганиш объекти нуқтаи назаридан тизимли равишда очиқ берган;

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида парламент назорати институти фаолиятини жамоатчилик назорати билан уйғунлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хорижий ва миллий тажрибаларни ўрганиш асосидаги тадқиқотлар натижалари ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунини амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишни янада такомиллаштиришга оид таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар расмий ҳужжатлардан, давлат архивлари фондларидан олингани, шунингдек, тадқиқот манбалари сифатида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳисоботлари,



тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотдаги таҳлиллар, умумлашмалар, хорижий тажрибаларга оид материаллар, мамлакатимизда парламент назорати институтини ривожлантиришга доир ислохотларнинг сиёсий жараён сифатида тадқиқ этилиши, парламент фаолиятининг умумдемократик ва миллий хусусиятлари тўғрисида ишлаб чиқилган хулосалар бу соҳага қизикқан барча илмий жамоатчилик вакиллари – олимлар, зиёлилар ва олий ўқув юртлари талабалари учун илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Диссертациядаги олинган натижалар – хулосалар, таклифлар ва тавсиялар жамоатчилик назоратини амалга оширишда, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда назарий манба вазифасини бажариши мумкин. Шунингдек, ундаги илмий натижалар парламент назорати институти фаолиятини янада ривожлантиришда, ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда парламент назорати институтини демократлаштириш жараёнини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

қонунчиликда парламент шакли сифатида «парламент текшируви» институтини белгилаш, парламент назоратини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари мажбуриятларини қонунчиликда белгилашга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг ишлаб чиқилишида фойдаланилган (Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 12 майдаги 06–20/332-сон далолатномаси). Натижада қонун, қарор ва давлат дастурлари ижросининг самарали назоратини ташкил қилиш жараёнида ижрочилар томонидан берилаётган маълумотларнинг ишончлилиги ва холислигини аниқлашда экспертлар гуруҳини ташкил этиш парламент назоратининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг мамлакатимизда парламент назорати институти фаолиятини жамоатчилик назорати билан уйғунлаштиришда ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга доир таклифларидан Ўзбекистон телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзудаги «Бу ҳам муҳим» ва «Биз учун муҳим» кўрсатуви дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2016 йил 15 сентябрдаги 02–07/2011-сон ва 2016 йил 12 октябрдаги 02–07/2016-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифлар мазкур кўрсатув натижасида амалга ошириладиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати билан парламент назоратини уйғунлаштириш ва фуқароларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий билими ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратига асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Сиёсий тизимда парламент назорати институтини тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари» деб номланиб, ушбу бобда сиёсий тизимда парламент ваколатларининг кенгайиш эволюцияси ва бу назорат институтининг пайдо бўлиш зарурати сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, парламент назорати институтининг дастлабки ва бугунги кундаги замонавий шакллари, ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиш тартиби ҳамда сиёсий тизимни демократлаштиришдаги аҳамияти тадқиқ этилган.

Маълумки, жаҳон тарихида парламент институти дастлаб оқсоқоллар йиғини, ҳарбийлар йиғини, уламолар кенгаши, аристократлар мажлиси каби кўринишлардаги маслаҳат институтлари сифатида пайдо бўлган. Илмий-тадқиқот жараёнида АҚШ ва Европа давлатларида парламентнинг вужудга келиши ва фаолиятининг такомиллашуви билан боғлиқ тадрижий жараёнлар ўрганилган. Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувининг мураккаблашуви, сиёсий тизимнинг тобора такомиллашуви билан уйғун тарзда парламентнинг институционал жиҳатлари ҳам ривожланиб бораётганлигига доир манбалар ўрганилган ва улардан олинган билимлар умумлаштирилган.

Парламент назорати институти давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий тизим фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг имкониятлари ва ваколатларининг кенгайиши асосида ҳаётга татбиқ қилина бошланди. Ушбу жараёнда парламент назоратининг бевосита

амалга оширилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, институционал омиллар ҳам шакллантирилиб борилган.

Илмий таҳлиллар, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатдики, тарихий тажриба ва демократия принципларидан келиб чиққан ҳолда парламентнинг учта катта ва асосий функциялари шаклланди: қонун ижодкорлиги жараёни, назорат-таҳлил фаолияти ва вакиллик. Булар яна бир неча микрофункцияларга бўлинади. Шунинг учун ушбу бобда замонавий парламент назоратининг шаклланиши, зарурати, функциялари, сиёсий тизимдаги ва ҳокимиятлар мувозанатидаги ўрни масалалари ечимини топишга муҳим эътибор қаратилган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар бир жамиятда ижро ҳокимияти фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга ҳамда жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига хизмат қилади. Бироқ, ҳукумат катта молиявий, иқтисодий, сиёсий ресурсларга ва имкониятларга эга бўлганлиги сабабли доимо уни суистеъмол қилишга мойил. Унинг фаолияти янада самарали бўлишига, шунингдек, ваколатлари кенгайиб кетмаслигини назорат қилиш учун халқ вакилларидан ташкил топган парламент уни назорат қилиб бориши, жамият сиёсий тизимини такомиллаштиришга олиб келади<sup>5</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир давлат у қандай бошқарув тизими ва шаклга эга бўлишидан қатъи назар, парламент томонидан тизимли назорат қилиниши демократик принцип даражасига кўтаради. Дарҳақиқат, парламент назоратидан давлат ва жамият манфаатдор, шу билан бирга, ҳукумат иш фаолиятининг самарадорлиги ҳам ортади, коррупцияга қарши курашишда муайян позитив натижаларга эришилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши каби ҳолатларнинг олди олинади, турли давлат дастурларининг амалга оширилишидаги изчиллик таъминланади.

Шу боисдан ҳам парламент назоратини ўрганишда, биринчи навбатда, қонунчилик органларининг назорат функциялари ва ваколатларига ҳокимиятлар ўртасида ўзаро «тийиб» туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг белгиланган механизмига нечоғлик риоя қилиниши ёки қилинмаслиги нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг асосий мақсади — яқка ҳокимлиликка йўл қўймаслик, давлат механизми мавжудлиги ва барпо этилишининг демократик йўллари таъминлашдир<sup>6</sup>.

XXI асрга келиб, парламент назоратининг асосий объектлари сифатида давлат молияси ва мулки, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари томонидан конституция ва қонунларда белгиланган бошқа функцияларнинг бажарилиши, ижро ҳокимияти ҳамда давлат хизмати соҳасига кадрларнинг адолат принциплари асосида тайинланиши, инсон ва фуқаро ҳуқуқларига риоя қилиниши кабиларни кўрсатиш мумкин.

<sup>5</sup> Hironori Yamamoto. Tools for parliamentary Oversight: A comparative study of 88 national parliaments. Inter-Parliamentary Union 2007. – P. 10.

<sup>6</sup> Радько Т.Н. Теория государства и права: учеб. -2 изд. - М.: «Проспект», 2010. – С. 115.

Бельгиянинг «The institute for impact Assessment and Scientific Evaluation of Policy and Legislation»<sup>7</sup> марказининг тадқиқот натижаларига кўра, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини олиб боришнинг 80 дан ортиқ шакллари мавжуд. Парламент амалиётида энг кўп учрайдиган назорат шакллари:

1) ижро этувчи ҳокимият таклиф этган олий мансабдор шахсларни лавозимга тасдиқлаш, лавозимидан четлатиш ҳамда жавобгарликка тортиш;

2) ҳукуматга ишонч ёки ишончсизлик билдириш вотумини эълон қилиш;

3) депутатлик сўровларини (интерпелляциялар) ҳукуматга ёки унинг аъзоларига жўнатиш, ҳукуматнинг мансабдор шахслари ҳисоботларини тинглаш;

4) парламент суриштирувлари ва тингловларини ўтказиш, депутатлар ёки умуман палаталарнинг конституциявий ва бошқа суд органларига мурожаати;

5) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

6) ижро этувчи ҳокимият ва давлат раҳбарининг айрим меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

7) инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши соҳасидаги парламент назорати;

8) давлатнинг молия органлари фаолияти устидан парламент назорати;

9) қонунларда белгиланган турли назорат шаклларининг махсус тартиботларини амалга ошириш ва ҳоказо.

Шунингдек, илғор хорижий мамлакатлар тадқиқот марказларида сиёсий тизим ривожланишида парламент назорати институти самарадорлигини янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШнинг «The Brookings Institution» тадқиқот маркази хулосаларига кўра парламентда қонун лойиҳаларини самарали ишлаб чиқишга юқори малакали амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш ва лойиҳаларни кичик апробациядан ўтказиш усулларини амалиётда қўллаш қонунларнинг жамиятда тўлиқ ишлаши ҳамда уларни ижроси бўйича назоратни амалга оширишни таъминлайди. «RAND Corporation» тадқиқот маркази эса АҚШ ижро ҳокимияти томонидан Конгрессга соҳалар бўйича тақдим этилган бюджет ҳаражатларини экспертизадан ўтказди ва унинг натижаси бўйича маълумотларни Конгресс қўмиталарига қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

Илғор жаҳон тажрибаси ва тадқиқотдан олинган натижаларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий тизим фаолиятида парламент назорати институти ролининг ошиб бориши давлат бошқарувини янада демократлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Ўзбекистонда парламентга тақдим этилган қонун, қарор ва давлат дастурлари ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг холислиги ва ишончлилигини мустақил эксперт

---

<sup>7</sup> <http://www.impactassessmentinstitute.org>

хулосалари асосида экспертизадан ўтказиш ва буни электрон шаклда ташкил этиш парламент назоратининг самарали механизми эканлиги ушбу бобда асосланган.

Парламент назорати ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришга доир ислохотларнинг чуқурлашиб бориши, миллий менталитетнинг ўзгаришларни қабул қилувчанлиги даражаларига мутаносиб равишда ривожланиб боради. Муҳими, парламент назорати демократик хусусият касб этишига қараб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда асосий роллардан бирини ўйнайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда парламент назоратининг конституциявий-ҳуқуқий ва сиёсий институционаллашуви» деб номланиб, унда мамлакатда парламент назоратининг конституциявий ва ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига эътибор қаратилган. Парламент назоратини демократлаштиришда «ўзбек модели» асосида ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари бобнинг асосий тадқиқот йўналишини ташкил қилган.

Ўзбекистон истиқлолнинг илк йиллариданоқ, Биринчи Президент И.Каримов томонидан мустақил тараққиётнинг ҳар томонлама илмий асосланган, халқимизнинг юксак миллий қадрияти, тарихий анъаналари ва илғор хорижий тажрибани эътиборга олган тараққиётнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқилди. Тараққиётнинг «ўзбек модели»да белгиланган тамойиллар сиёсий тизим ва парламент институтини ривожлантириш, уларнинг ўрнини янада мустаҳкамлашга асос бўлди.

Демократик ислохотларга мувофиқ ҳолда парламент соҳасидаги ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу борада «Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш»<sup>8</sup> масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда қонун чиқарувчи орган 1995 йилда Олий Кенгаш ўрнига янги парламент — Олий Мажлис ташкил этилди. 2002 йилда бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилинди ва унга кўра, икки палатали парламент — Олий Мажлис ташкил этилиши белгиланди. 2005 йил январь ойида Олий Мажлис — янги мақомдаги икки палатали парламент ўз ишини бошлади.

2005–2010 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси профессионал орган сифатида доимий фаолият олиб борди. Ҳудудий вакиллик органи сифатида республиканинг барча минтақаларининг манфаатларини ўзида қамраб олган юқори палата — Сенатни шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилди. 2010–2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўпгина ваколатлари айнан

---

<sup>8</sup>Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б. 13.

Олий Мажлис палаталарига ўтказилди ва натижада парламентнинг сиёсий тизимдаги мавқеи янада ортиб борди. Парламент соҳасидаги ушбу саъй-ҳаракатлар орқали қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошиши ва парламент жамият ҳаёти кўзгусига айланганини кўриш мумкин. Тадқиқот ишида ушбу ислоҳотлар даврларга бўлиниб таҳлил қилинган.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида парламентнинг нафақат ўзи, балки ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятлари тизими ва ваколатларини белгилаб бериши, шу тариқа қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан бажарилишини назорат қилиш ваколатлари ривожланган давлатлар ва халқаро меъёрлар талаблари даражасида такомиллашди. Давлат сиёсий тизимидаги ҳокимиятлар тармоғи ичида асосий назорат ваколатлари парламентга берилди.

Мазкур жараёнлар Ўзбекистонда парламент томонидан ҳукуматни назорат қилишнинг ўзига хос, демократик принципларга асосланган ҳуқуқий асослари ва миллий тажрибаси шаклланганини кўрсатади. Парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат этиш ва бошқа молиявий назорат билан боғлиқ бўлган вазифалари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш кафолати сифатида намоён бўлди. Шунингдек, парламентга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш» ва «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш» ваколатларининг берилиши унинг сиёсий тизимдаги нуфузини янада мустаҳкамлади.

Парламент юқори палатасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш, юқори давлат лавозимларига тайинланган мансабдорларни тасдиқлаш каби ваколатларнинг берилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасини янада оширди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятга ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколатларининг берилиши сиёсий тизимда ҳокимиятнинг учга бўлиниш принципини, уларнинг ўзаро бир-бирларини «тийиб» туриш ва ўзаро мувозанати нисбатларини турғун ва барқарор сақлаб туриш амалиётининг пайдо бўлишига ва унинг барқарор равишда ишлайдиган принципга айланишида муҳим роль ўйнади.

Мамлакатда парламент назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларда мустаҳкамланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар парламент назоратининг ҳуқуқий асоси сифатида бу жараённи

демократик принциплар асосида амалга ошириш шарт-шароитларини яратди. Мазкур қонунларда парламент назоратининг муҳим шакли — парламент сўрови акс этган. Бу билан Қонунчилик палатаси, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш ҳуқуқини берди.

Мамлакатимизда парламентга доир қонунчиликнинг ривожланиб боришига мутаносиб равишда парламент назоратининг шакллари ҳам кўпайиб ва такомиллашиб борди. Бунда миллий анъаналар билан ривожланган давлатлар тажрибалари уйғунлигига аҳамият берилди. Жумладан, бу даврда парламент назоратининг қуйидаги шакллари пайдо бўлди ва ривожланди:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, парламент ва унинг қўмиталари қарорларининг ижроси устидан парламент назорати;

молиявий парламент назорати;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги парламент назорати;

давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни тайинлаш устидан парламент назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат аҳамиятига молик бўлган қарор ва фармонларининг ижросини таъминлашдаги парламент назорати.

Албатта, парламент назоратининг мазкур шакллари амалда қўллаш ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирларидан мустақиллиги ва бир-бирларини «тийиб» туришида мувозанат сақлашининг асосий гарови бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро мувозанатни таъминлаши, ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирларини «тийиб» туриши ҳуқуқий асосларининг қабул қилиниши бу соҳада ўзига хос амалиёт ва тажрибаларнинг вужудга келишини таъминлади. Натижада ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг шарт-шароитлари шаклланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда парламент назоратининг такомиллашув ва демократлашув жараёни» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратининг янада ривожланиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга оид парламент назорати тажрибасининг шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотимизда Ўзбекистонда парламент назоратининг шаклланишини ҳуқуқий ва сиёсий омиллари асосида беш босқичга бўлинган. Биринчи босқич 1991–1994 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда парламент ва унинг назорат функциясининг дастлабки ҳуқуқий асослари пайдо бўлди. Иккинчи босқич, 1995–2004 йилларни ўз ичига олади, бу

даврда Олий Кенгаш ўрнига Олий Мажлис вужудга келди. 2002 йилги Референдум натижаларига кўра, икки палатали парламент шаклланди.

Учинчи давр 2004-2011 йилларни қамраб олади. Бу даврда Олий Мажлис икки палатали шаклда иш бошлади. Ҳар икки палата парламент назорати институти субъекти сифатида фаолият юрита бошлади. 2006 йилдан бошлаб парламент назоратининг яна бир шакли – Сенат билан маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги ҳамкорлик вужудга келди. Ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар маҳаллий ижро ва бошқа давлат ҳокимиятининг қуйи органлари устидан парламент назорати сифатида намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг беш йиллик сайловдан сайловгача (2005–2009 йиллар) бўлган даврдаги парламент назоратини амалга ошириш ва унинг яқунларини ўрганиш — бу соҳадаги парламент фаолиятининг такомиллашиб борганлигини, парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилишга доир фаолияти анча кенгайганлигини кўрсатди.

Умуман олганда, мамлакатда икки палатали профессионал парламент фаолиятининг дастлабки беш йилида парламент назоратига доир ҳуқуқий асослар ривожлантирилди, парламент назоратининг янги, замонавий шакл ва усуллари қўллана бошланди. Мазкур давр ўзига хос тарзда ҳуқуқий давлатга мос бўлган парламент назоратига оид фаолият юритишни ўрганиш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар ва миллий тажрибаларни уйғунлаштириш даври бўлди. Дастлаб парламент назоратининг чекланган усуллари қўлланилган бўлса, 2009 йилдан бошлаб парламент назоратининг бевосита ҳукумат фаолиятининг қонунлар ва давлат бюджетининг ижроси бўйича тўлақонли назорат қилиш салоҳияти шаклланди.

Тўртинчи даврга 2011-2016 йиллар киради. 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да Конституциянинг бир нечта моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Бу парламент назорати институтининг ҳуқуқий ва сиёсий аҳамиятини ошириб, 2011 йилдан бошлаб Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раисларининг бевосита ахборотлари ва ҳисоботларини парламент назорати тариқасида эшитиш қоидалари қўлланила бошланди. Қонунчилик палатаси сессияларида барча партиялар фракциялари вакиллари парламент сўровлари билан мурожаат этиши парламент сўрови тариқасидаги назоратнинг такомиллашуви ва демократлашувига олиб келди. Бу даврда Сенатнинг ҳам парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти такомиллашди. Айниқса, 2016 йилнинг 11 апрелидан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун парламент назоратини амалга ошириш учун барча зарур бўлган ҳуқуқий асосларни ўзида мужассамлаштирди, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолиятида депутатлар қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш



жараёнида жалб этилган мутахассислар томонидан аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатади. Улар жойларда меҳнат жамоалари ва ҳоқимият органлари мажлисларида камчилик ва муаммоларни бартараф этишга доир таклифлари билан иштирок этади. Парламент назорати текширувлари яқунлари тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида кўмиталарнинг сайёр мажлисларида, ҳоқимликларнинг халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқиш тажрибаси ва амалиётини шакллантирди.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламентнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги қонунлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистондаги ижроси устидан парламент назоратини олиб бориши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши каби масалалар таҳлил этилди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) ваколати «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсмани (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди: «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсмани — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган»<sup>9</sup>.

Омбудсман 2005 йилдан бошлаб, икки палатали профессионал парламент ташкил топганидан сўнг халқаро тажрибалар асосида тўлақонли фаолият юрита бошлади. У асосан учта йўналишда парламент назоратини амалга оширди:

1) фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш фаолияти натижаси ўлароқ, қонунлар ижроси устидан;

2) қонун ҳужжатларининг ижро этилишини мониторинг қилиш натижалари бўйича қонунлар ижроси устидан;

3) қонунлар лойиҳасини экспертизадан ўтказиш жараёнида инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқ меъёрларини киритишга доир таклифлари билан қонун ижодкорлиги жараёни устидан назорат қилиб борди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мустақиллик даврида мамлакатда ҳуқуқий давлатга хос бўлган парламент ва унинг назорат қилиш ваколатларини такомиллаштириш жараёнлари янги ривожланиш босқичига кирди. Парламент назорати — бу шунчаки назорат воситасигина эмас, балки қонунларнинг ижросини тўлиқ амалга оширилишини таъминлайдиган омил сифатида намоён бўла бошлади.

---

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонуни (27.08.2004 йил янги таҳрирда қабул қилинган) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, № 4-5,102-модда.

Бешинчи давр 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. 2016 йилнинг иккинчи ярми — 2017 йил давомида давлат ҳокимияти органларини демократлаштириш ва модернизациялашнинг янги босқичи бошланди. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган адолат принципини давлат бошқаруви тизимига жорий этиш ғояси илгари сурилди.

Мазкур босқичда парламент назорати институтининг ҳам янги шакллари амалиётда қўлланила бошланди. Президент Ш.М.Мирзиёев парламент назоратини демократик тамойиллар талаблари даражасида амалга оширишдаги муаммоларни кўрсатиб берди: «Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмайди. Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд»<sup>10</sup>.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилган парламент фаолиятини янада такомиллаштириш бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим заруратга айланди. Бу борада вазифалар давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини оширишга, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Хорижий давлатлар ва Ўзбекистонда парламентнинг ривожланиши парламент назоратини таҳлил қилиш, бу соҳадаги миллий тажриба ва анъаналарни тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконини берди:

1. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлат ҳокимиятининг учта тармоғи бир-биридан мустақил, бир-бирига масъул, бир-бирини назорат қила олиш ваколати ва қобилиятига эга бўлгандагина, давлат ҳокимияти органлари халққа амалда ва қафолатли хизмат қилиши мумкин.

2. Тадқиқотдаги парламент назоратининг ривожланиши ва амал қилиши жараёнлари таҳлили кўрсатишича Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бошқа ҳокимият тармоқлари, айниқса, ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро тенглиги, уларнинг бир-бирларидан мустақиллиги, парламент

---

<sup>10</sup>Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак/<http://www.press-service.uz/uz/lists/view/781>.

назоратининг ижро ҳокимиятининг самарали ҳамда тўлақонли ишлашида муаммолар мавжуд ва уларнинг ечимларига доир хулоса ҳамда тавсиялар шакллантирилди.

3. Ўзбекистонда парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ҳамда бошқа молиявий назорат билан боғлиқ бўлган мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш кафолати сифатида намоён бўлиши бир қатор омилларда муҳим ўрин тутди. Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколатларининг берилиши сиёсий тизимда ҳокимиятларнинг учга бўлиниш принципини, уларнинг ўзаро бир-бирларини «тийиб» туриш, ўзаро мувозанати нисбатларини турғун ва барқарор сақлаб туришга доир ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда миллий анъаналар уйғунлиги асосида шаклланганлиги ва у барқарор равишда ишлайдиган принципга айланишига манба бўлиб хизмат қилади.

4. Миллий қонунчиликда акс этган парламент назоратининг муҳим шакли — парламент сўрови Қонунчилик палатаси, шунингдек, қуйи палата депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юбориш шаклида амалга оширилади. Ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ушбу ҳуқуқнинг кенгайтирилиши ва парламент назоратининг бошқа шакллари самарали тарзда қўлланилиши мумкинлиги ҳали бу соҳадаги амалиётни яна демократлаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади;

5. Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро мувозанатни таъминлаши, ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир-бирларини «тийиб» туриши ҳуқуқий асосларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, 2016 йилнинг 11 апрелидан бошлаб кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ривожланган мамлакатларга хос бўлган парламент назоратини амалга ошириш учун барча зарур бўлган ҳуқуқий асосларни ўзида мужассамлаштирди;

6. Юртимизда парламентни ислох этиш, уни демократлаштириш ва янада такомиллаштиришни самарали олиб боришда мамлакатда парламент назоратининг қуйидаги асосий тамойилларининг роли янада ортиб боради: қонун устуворлиги тамойили; холислик тамойили; мустақил фаолият юритиш тамойили; муаммони ҳар томонлама ва тўлиқ қамраш тамойили; назоратни амалга оширишда салоҳиятлилик тамойили; ҳамкорлик тамойили; ошкоралик тамойили; миллий-маънавий қадриятларга таяниш тамойили; бир-бирларининг таъсир кучларини англаган тарзда тийиб туриш тамойили.

7. Омбудсман институтининг халқаро меъёрлар ва тажрибалар асосида тўлақонли фаолият юрита бошлаши икки палатали профессионал парламент ташкил топиши билан алоқадорликда ўрганиш лозим. Ушбу

институтни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида назарий муаммолар тизимлаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

**ХАСАНОВ АТАБЕК АБДУРАШИДОВИЧ**

**ПРОЦЕСС ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ИНСТИТУТА ПАРЛАМЕНТСКОГО  
КОНТРОЛЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Siyos12**

Диссертация выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://nuu.uz>) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Жураев Нарзулла Касимович**  
доктор политических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Идилов Улугбек Юсупович**  
доктор политических наук

**Жураев Кадир Асадович**  
доктор политических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный экономический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, улица Мирза Галиба, Факультет социально-гуманитарных наук Национального университета Узбекистана, 1 этаж, 117-комната. Тел.:(+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол реестра № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года)

**Ш.Пахрутдинов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор;

**А.Ташанов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, (PhD)

**А.Муминов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Как известно из опыта развитых стран, в процессе демократизации страны парламент ведет свою деятельность как народное представительство и законотворческий орган. Также он выполняет и задачи контроля. Одной из самых важных и ответственных задач парламента является функция контроля. Она служит внедрению в общественно-политической жизни принципа современного парламентаризма. Парламентский контроль обеспечивает последовательное внедрение в жизнь законов, защиту прав и свобод человека, укрепление законности в государстве и эффективность государственного управления.

В годы независимости в нашей стране сформировался парламент, действующий на основе демократических принципов. В течение прошедшего периода, опираясь на национальные особенности, накопленный опыт, а также практику развитых стран, парламент достиг эффективных результатов. В частности, в качестве коренных реформ вместо Олий Кенгаша был организован Олий Мажлис, также из однопалатного парламента осуществлен переход на профессиональный двухпалатный парламент. В настоящее время актуальное значение придается дальнейшему повышению статуса парламента как независимой власти, обеспечению его взаимного равновесия с исполнительной властью, усилению парламентского контроля. В первом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы как одна из приоритетных задач определено усиление парламентского контроля<sup>11</sup>. Сегодня начался новый этап демократизации и модернизации органов государственной власти. Как важный критерий государственного управления внедрен в практику жизненный принцип «Не народ должен служить государственным органам, а государственные органы должны служить народу». При этом как одна из важных задач является исследование процессов, связанных с дальнейшим совершенствованием института парламентского контроля в стране на основе демократических принципов и ценностей.

В странах мира с различными системами и формами управления считается важным поднятие системного контроля исполнительной власти со стороны парламента до уровня демократического принципа. Вместе с тем по обеспечению практической реализации парламентского контроля в государственном и общественном управлении проводится множество научных исследований. В этих исследованиях, наряду с общностью интересов государства и общества благодаря данному институту контроля, вопрос повышения эффективности деятельности государственной власти поднимается как приоритетные проблемы. При этом серьезное внимание обращается и обеспечению последовательности в реализации различных государственных проблем. В Узбекистане эффективная и системная организация работы в

---

